

АНИМИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТ ВА МАРОСИМЛАР ТАҲЛИЛИ

Ақчаев Фаррух Шавкатович

ЖДПИ, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори.

Асқаров Тоҳиржон Темур ўғли

ЖДПУ Тарих факултети 2-курс талабаси

Аннотация:

Ўзбек халқи қадимги эътиқодларни сақлаш ва уларни жамиятимизда ўзгарганлигини ўзаро алоқаларимизни таъминлаш учун муҳим қўрсаткичлар деб кўришади. Улар тарихий, ижодий, маданий, ва миллий кимлигимизнинг мустаҳкам кўринишидир. Қадимги еътиқодларни сақлаш ўзбек халқи учун биринчи даражада бўлган муҳим вазифалардан биридир. Улар ўзбек халқининг бир-бири билан дўстонлигини, халқаро алоқаларини, миллий бирлик ва тараққиётни кучайтиришда ёрдам беради. Қадимги еътиқодлар орқали ўзбек халқи ўз тарихий юртимизни сақлаш ва унинг миллий кимлигини мустаҳкам қилишни давлат, маданий жамият ва ҳар бир фуқаро учун катта муҳимликка ега.

Калит сўзлар: Анимизм, қадимги давр, Авесто, урф – одат, **маросим**, “Нафас” ва “руҳ”.

Аннотация:

Узбекский народ хранит древние верования и рассматривает их как важные индикаторы изменений в нашем обществе и поддержания наших взаимоотношений. Они являются прочными якорями нашей исторической, творческой, культурной и национальной идентичности. Сохранение древних верований – одна из важнейших задач узбекского народа. Они способствуют укреплению дружбы узбекского народа между собой, международных связей, национального единства и развития. Сохранение нашей исторической земли и укрепление ее национальной самобытности узбекским народом посредством древних верований имеет огромное значение для государства, культурного общества и каждого гражданина.

Ключевые слова: Анимизм, античность, Авеста, традиция, ритуал, «Дыхание» и «дух».

Abstract:

The Uzbek people maintain ancient beliefs and see them as important indicators of the changes in our society and the maintenance of our mutual relations. They are strong anchors of our historical, creative, cultural, and national identity. Preservation of ancient beliefs is one of the most important tasks for the Uzbek people. They help to strengthen the friendship of the Uzbek people with each other, international relations, national unity and development. The preservation of our historical land and the strengthening of its national identity by the Uzbek people through ancient beliefs is of great importance to the state, cultural society and every citizen.

Key words: Animism, antiquity, Avesta, tradition, ritual, "Breath" and "spirit".

Қадимги даврдан кишилик жамиятининг ривожланиб бориши билан реал хаётга қарашлари ҳам ўзгача тус олганлиги бизга сир эмас. Ибтидоий одамларнинг онгини ривожланмагани ва табиат ходисаларини илохий куч сифатида қабул қилишларидан энг қадимги диний қарашлар шаклланиб борди. Инсоният яралганидан бери то хозирги кунгача табиат ходисалари олдида ожиз бўлиб келмоқда. Ибтидоий жамиятнинг жуда кўп асрлик ижтимоий тараққиёти натижасида одамлар дунёни кенгрок ва чуқурроқ идрок эта бориб хаётга бошқача кўз билан қарай бошладилар. Айни шу нарсалар дунёни англаш эмас хис қилишга асосланган бўлиб, реал воқейликлар хақидаги ҳаёлий билимлар тўплами тизимга солинган бир даврда вужудга келган. Табиатдаги жонсиз жисмлар жонлантирилиб, олов, сув, ҳаво, табиат унсурлари ва ходисаларни ҳам муайян жонли образларини намоён бўлиши, деб хисоблашган ва уларга сифинишган. Худди шундай диний тасаввурлардан бири – Анимизмдир.

“Анимизм - (лотинча “анима”-руҳ, жон)-инсонни ўраб турган мухитда жонлар ва руҳларнинг мавжудлигига ишониш, гўё улар кишилар, ҳайвонларнинг ҳаётига, теварак атрофдаги олам, буюмлар ва ҳодисаларга, уларнинг ўзгаришларига таъсир этиб, уларни бошқаради деб хисоблаш. Анимистик тасаввурлар ибтидоий давр одамларида бундан тахминан 40-35 минг йил аввал пайдо бўла бошлаган. Ибтидоий кишилар нарсалар, ўсимликларнинг жони бор

деб тушунишган. Яъни жон одамлардан бошқа мавжудотларда ҳам бордир. Рух эса эгаларидан ажралган ҳолда ҳам мавжуд бўлиб, у ҳар қандай нарсаларга таъсир кўрсатади. Анимизм тушунчасини биринчи бўлиб фанга немис олими Шталь (1708 й.) киритган”¹.

Анимизмни XIX-асрда ибтидоий афсоналар ва диний эътиқодларни таҳлил этган таниқли инглиз олими Э. Тайлор инсоннинг мазкур диний қарашга бўлган ишончини ўрганган. Унинг табирича – “Анимизм руҳий мавжудотларга ишонч бўлиб, бирламчи диний эътиқодни билдирган. Олим диний қарашларнинг келиб чиқишини Анимистик назариясини далиллар билан асослаб Анимизмнинг ўзида ибтидоий эътиқодлар фетишизм ва тотемизм билан узвий алоқасини кўрсатиб беради. Э. Тайлор умуман руҳларга бўлган эътиқодни анимизм нарсаларга мужассамлашган деб фикр билдиради”².

Фарб олимларининг фикрича, “анимизм назарияси иккига бўлинади. **Биринчиси** – тирик мавжудотлар руҳга эга ва у эгасининг вафотидан сунг ҳам юқолиб кетмайди. **Иккинчиси** – табиат – коинот руҳлари ва қудратли худолар мавжудотларни бошқаради. Умуман олганда, бу руҳларнинг инсон ҳаёт – мамотини бошқаришига бўлган ишончдан уларга хуш ёқиш, ҳадия – курбонлик келтириб, ўзларига нисбатан моиллик ва қўмакка эришиш нияти пайдо бўлган”³.

Авестода ҳам рух ва жон тўғрисида қуйидагича қарашлар мавжуд бўлиб, “инсонни рух жонлантиради, деган тушунча, албатта, бутун борлиқни ҳам жонлантирувчи куч борлигига ишончга келтиришга муқаррар эди. Бу борада шундай мисол келтирилган:

Тухум мисол Заминни
Тутиб турар Улуғ Рух.
Унинг чеки-чеккаси
Бўлган эмас ҳеч қачон.”⁴

¹ O'zbekiston tarixidan izohli lug'at. 5-бет.

² X. Караматов Ўзбекистонда мозий эътиқодлари тарихи. 41-бет. Тошкент 2008 й.

³ Шу манба 42-бет

⁴ Авесто. Т.: 2001й 83-бет.



Бундан қўришимиз мумкинки, минтақамиз тарихини ёритиб беришда асосий манбалардан бири хисобланган Авестода ҳам руҳларнинг борлигига ва уларнинг чек-чегараси йўқлигига қаттиқ ишонишган ва уларга атаб курбонликлар келтиришган. Шунинг учун бўлса керак ўрта асрларда руҳонийлар, бу куч – Худо, деса, файласуфлар уни Мутлақ ғоя деб атайди.

Ўлкамизда “ёмон” руҳларга ишонч XX-асргача етиб келиб, уларнинг эътиборини ўзига тортмаслик учун одамлар уларни ўз номи билан эмас, “нарса”, “бало” ёки “зиён”, деб аташган. Биз бу ҳолатни **урф ирими**, аташга жазм этдик, яъни у - маданиятнинг олдинги поғонасига хос бўлиб, одат тақозоси билан кейинги босқичга олиб ўтилган шаходатномадир. Урф иримларини ўрганиш муҳим амалий аҳамиятга молик чунки биз хурофот, деб атайдиган кўпчилик нарсалар айнан ҳалқ орасидаги одатларга тегишли бўлиб, уларни ўрганиш тарихий ривожланиш жараёнини тушунишга ёрдам беради. Ҳалқ орасида ирим сифатида баҳоланиб келаётган кўпчилик одатлар мозийда уларни юзага келтирган муайян урф-одатлар мавжуд бўлганидан далолат беради. Ўлкамизда диний эътиқодлар ўзгариб борган. аммо олдинги эътиқодга хос қатор урф иримлари сақланиб қолган ва ҳатто, янгича диний талқин ва тус олган. Бу жараёнда, одатнинг асл моҳияти унутилиб, янгича талқин олиши ҳам истисно бўлмаган.

Минтақамиздаги ҳалқлар орасида мавжуд шунга ўхшаш урф – одатлар қадимги диний эътиқодларнинг қолдиқлари бўлиб, ўтмиш тарихидан далолат бериши ва динини яхшироқ тушинишига омил бўлиши мумкин. Ибтидоий эътиқодларда ўлимдан кейин ҳаёт давом этиши, инсонлар ва турли ашёларнинг ҳам руҳи борлиги ёрдамида ўқтирилган бўлса, юқори поғона монотеистик (“моно - ягона” ягона худога сифиниш) динларда, алалхусус, исломда аҳлоқий мезон ва нариги дунёда жазо муқаррарлиги келтирилади.

Бугунги кунгача бўлган даврда, Ўрта Осиёда ҳам дарахтлар ва шохларига алоҳида муносабат бўлгани маълум. Бу борада, олимлардан А. Писарчикнинг турли манбалар ва оғзаки хабарлардан олган маълумотларини унинг тадқиқотларидан изоҳ этамиз. Қадимдан айrim дарахтлар ҳалқи мия тасаввuriда хосиятли - енгил, ўзгалари эса, бехосият - оғир саналган. Бири одамларга яхшилик, иккинчиси эса - ёмонлик; келтирган, чунки тагида ёмон ёки яхши арвоҳ-жинлар ўзига ин қурган. Алалхусус, арча хипчинлари эътиқод маросимларида ишлатилгани маълум. Бу қарашлар анимизмга тақалиб,

арвоҳлар билан боғлиқлиги аён ва шунинг учун маълум бир дараҳтлар муқаддас деб аталган. Ҳатто одамлар тотем-дараҳтдан тарқаган ва ўлганларнинг руҳи уларда яшагани тан олиниб, унга озор берганни ёмонлик кутиши муқаррар бўлган. Мозорда ўсувчи дараҳт ва буталарни синдириш ёки ёқиш жазоланишга лойик гуноҳ ҳисобланган. Самарқандда уларни фақат диний эътиқод уйларини қуришда ишлатиш мумкин деб, хонадонга фақат муқаддас ашё сифатида шип тагига осилган. Лайлак ин қурган дараҳт муқаддас саналган, чунки у қурбақа ва илонларни йўқ қилган; бу эса зардуштийлиқда савоб саналган. Қора қарғалар ин қурган дараҳт бехосият дейилган. Бухорода икки дараҳт-устун орасидан ўтиш ёрдамида душманларнинг ёмон ниятини қайтариш мумкинлигига ишонишган.⁵

Шу билан бир қаторда, кўп умр кўрган лараҳтлар, жумладан, тол шохларига латтачалар таҳишган, “арвоҳларнинг руҳи шод бўлсин”, деб. Тагига эса, экканнинг руҳига атаб пилта ёқишган. Пилта буғдой бошоҳлари ва латтага ўралиб, кунжут ёки зигир мойига ботирилган. Сўхда бу икки ёғ тури “инсажинс, ажиналарни ҳайдовчи ва бало қайтарувчи” деб ҳисобланган ва уларнинг уруғларини тумор сифатида тақишиган. Мотам маросимларидағи таомлар ҳам зигир ёғда тайёрланган. Аммо қари дараҳт қурий бошлаб, унда кавак ҳосил бўлса, худди вайронна харобалар сингари “деву ажиналар макони”, деб ҳисобланган.

“Нафас” ва “руҳ” сўzlари ёрдамида анимизм моҳиятини ифодаласа бўлади. Қадимгилар тасаввурида нафас, рух, соя бир – бирига турдош тушинча бўлиб, анимизм негизини ташкил этган. Инсонлар то ҳозиргача рух нафас орқали кириши ва баданни тарк этишига ишонишади”.⁶ Инсон аксирганида эса бошдаги тешиклардан руҳлар чиқиб кетиши мумкинлигига бўлган ишончдан соғлиқ тилаш одатини олимлар эскилиқ сарқити, деб ҳисоблайди. Кинна солиши пайтида табибларни (Кинначи хотинлар) “чиқ - чиқ” деб, ёмон руҳларни ҳайдаши бунга ёрқин мисол.

Ўлкамизда ўтганнинг руҳи хафа бўлмасин, деб марҳум эҳтиром билан дабдабали дағн маросимлари ўтказиб, кузатишга дағн меъморчилиги қад кўтарган. Қадим маросимлар ҳозира кунгача турли халҳларнинг урфодатларида етиб келгани диққатга сазовор. Бунга мисол сифатида ўлкамизда

⁵

⁶ www. Yandeks. Ru. Тайлов Э. Б Первобытная культура. М.:1979г 212 ст.

Үтгандарнинг руҳини ёдлаш учун яқинларни йиғиш, йўқлаш одатларини эслаш кифоя Зардуштийлар йилнинг охирги ўн куни давомида қариндошларининг руҳи озиқ-овқат ва кийим олиш учун келишига ишониб, турли маросимларни ўтказган. Православ насронийлари қабр тепасида руҳни ёдлаб, ичимлик ичади, турли халқларда қабр тепасига руҳ учун таомлар кўйилади. Араблар эгасининг қабри устида, нариги дунёда миниб юриши учун унинг туясини қурбон қилишган. Айнаи шу мақсадда Европада қирол ўлганида унинг хизматкорлари ва оти билан итини ҳам ўлдиришган.

Руҳ гояси ибтидоий диний тасаввурлардан жаҳон динларига кўчиб, замонавий инсон онгидаги ҳам мавжуд. “Руҳлар мадад берсин” ибораси бунга мисол. Арвоҳлар деганда, халқимиз бобо-аждодларни тушинишган ва хозирги кунларда ҳам уларнинг руҳлари уйга келади деб эшик-ойналарни очишади, таом тайёрлашади, адашиб қолмасин. деб чироқлар ёқишади: руҳлар эса, унутилмаганини кўриб, “эшик ортидан жилмайиб мўралашган”. Руҳлар келганида, ҳидига тўйиши учун албатта бўғирсоқ пишириб, “ис чиқаришган”. Янги уйга кўчишганида ҳам, ис чиқариш учун, аввало, янги ўчоқда бўғирсоқ пиширишган. Шундан кейингина, ҳовли тўйига атаб ош дамлашган.

Умуман, ўлкамиз эътиқодларида аждодлар тирикларга мадад бериши ҳақидаги ишонч чуқур маънавий илдизларга эга бўлиб халқимизнинг ички дунёсини тавсифлайди. Ўлкамизда хунарларнинг мададкор руҳлари вужудга келиб, кейинчалик, шу хунар ҳомийси - авлиёга айланган. **Оlamdan ўтган усташирлар** ҳам аждод сифатида кўрилиб, уларга қурбонликлар келтирилган ва бирон ишни бошлашдан олдин улардан мадад сўралган. Хоразм заргарлари ўз дўконига кириб келганида ва ундан чиқиб кетишидан олдин, усталари шаънига дуо ўқиган. Ипакчилар бир ой давом этувчи янги матони ишлаш жараёнидан олдин ва иш ниҳоясига етгач, усталари шаънига зиёфат уюштиришган. Ўлкамизда ўтган усталар хотирасига атаб, хунарманд шогирдларнинг уйларида навбатма-навбат таом тортилган. Турли соҳа хунармандлари янги устахона очишдан олдин бўғирсоқ ковурган, уйлари ва устахонасида жумага ўтар кечаси ҳамма ёқни тозалаб, ўтган усталарнинг руҳлари келишига атаб кечасига чироқ ёқиб қолдиришган. Аждодлар ва устазлар руҳига сифиниш ўзаро чамбарчас боғланган.^{37,8}

Бир сўз билан айтганда, анимизм – энг қадимги диний эътиқодлардан бири бўлиб, руҳлар мавжудлигига ишонч, табиатда бор жамики нарсалар(Осмон ва

Ер, Қуёш ва Ой, ёмғир, момақалдириқ, шамол, тоғ, дарё, ўрмон, ҳайвон, ўсимлик, тош, дараҳт ва х.к)да онг ва фаолият юритиш қобилияти борлиги ҳамда уларда ғайритабиий қудрат борлигига ишончни билдирган. Шу асосда, уларга қурбонлик келтириш, сиғиниш ва маросимлар ўтказиш лозим деб хисоблашган.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, анимизм издошлари рух инсон ҳаётини ҳам тириклигига, ҳам нариги дунёда, бошқаришига ишонишган. Бундан эса, рухларга хуш ёкиш, ғазабини келтирмастлик ҳиссиёти пайдо бўлиб, натижада уларга сажда қилишга ўтилган. Шу аснода, инсон қўрқув асосида бўлса ҳам яхши ва ёмонни фарқлаб, ўзини ножӯя қадамдан тияди ва маълум аҳлоқий меъёрлар вужудга келади. Таъбир жоиз бўлса, шу тариқа, **қадимий бошлангич фалсафа ва ахлоққа замин яратилади.**

Қадимгиларнинг рухларга нисбатан ҳурмати тарихни аждодлар солномаси сифатида тушуниши ва насл-насабини эъзозлашида ҳам намоён бўлади. Ригведада художўй одамлар ўз танасида **қайта** тирилиши уқтирилади; брахманизм ва буддизмда ҳам ўз танасида жаннат ёки жаҳаннамда қайта тирилиши айтилади; яхудий ва насронийларда ҳам **қайта** тирилиш **ҳақида** гапирилади, яъни **ибтидоий анимизм эътқоди ривожланган жаҳон динлари матнида ҳам ўз ўрнига эга.**

Бундан кейинги даврда хусусан хозирги кунда ҳам рухларга булган эътиқоднинг айрим кўринишлари сақланиб келмоқда. Бунга мисол қилиб, қабристонга яни ўз яқинларимизнинг қабларини зиёрат қилгани борганимизда уларни рухлари борлигига ишонган ҳолда хақларига дуо ўқиб фотиҳалар қилишимиз ёки дастурҳон бошида овқатдан кейин оила катталарининг дуога қўл очиб еган ва ичганларининг савобини ўтган бобо вабувиларимизнинг рухларига баҳшида қилганини айтиб фотиҳа тортишларини айтишимиз мумкин. Ўзбекларнинг яна бир гапи: “Рухлар – ёр, пирлар мададкор бўлсин” деб бирор ишга қўл уришлари фикримизнинг яққол исботидир.

Адабиётлар

1. X. Караматов Ўзбекистонда мозий эътиқодлари тарихи. Тошкент 2008 й.
2. O'zbekiston tarixidan izohli lug'at.
3. Авесто. Т.: 2001й
4. www. Yandeks. Ru. Тайлор Э. Б Первобытная культура. М.:1979 г